

Ёш болага ихтиёр ҳаққи берилмайди



19:04 / 31.01.2020 2312

Ёш болани қармоғига олиш уни зарарли нарсалардан муҳофаза қилиш, уни тозалаб, едириб-ичириб, кийинтириб, роҳати учун керакли нарсалар ила таъминлаб, тарбиялашдан иборатдир.

Ёш гўдакни ўз қармоғига олишга энг ҳақли шахс, бошқа эрга тегмаслик шарти ила, онаси эканини ва ундан кейин кимлар бўлишини юқоридаги мақолаларда ўргандик.

Лекин ким бўлса ҳам, болани ўз қармоғига олувчи шахсда бир неча шартлар бўлиши қатъиян талаб қилинади:

1. Оқил бўлиши керак.
2. Балоғатга етган бўлиши керак.
3. Диндан чиққан, муртад бўлмаслиги керак.
4. Фосиқ, ишончсиз бўлмаслиги керак. Баъзи фисқу фужур ишларни қиладиган, ўғри, бетайин, раққоса кабилар ёш болаларни ўз қармоғига олишга ҳақли эмаслар.
5. Болани қаровсиз қолдирмаслиги керак. Агар қаровсиз қолдирадиган бўлса, қармоғига олиш ҳаққидан маҳрум қилинади.

6. Ота камбағал бўлиб, она ажрсиз тарбия қилишдан бош тортса, ажрсиз тарбия қилишни хоҳлаган яқин қариндош аёл болани ўз қарамоғига олади.

Ёш болага ихтиёр ҳаққи берилмайди.

Яъни, кичик ёшдаги болага: «Сен ким билан бўласан, ўзинг танлаб ол», дейилмайди.

То бола ўзи еб-ичадиган ва истинжо қиладиган бўлгунча онаси ва момоси унга ҳақлидир. Қиз болага то ҳайз кўргунча. Имом Муҳаммад раҳимахуллоҳ «Хоҳиш қилинадиган бўлгунча», деган. Замоннинг фасоди туфайли шу гап мўътабардир. Икковларидан бошқалар «То хоҳиш қилинадиган бўлгунча», деганлар.

Гўдак болани отаси ва онаси талашиб қолса, онасига берилади.

Ўзи еб-ичадиган ва истинжо қиладиган ўғил бола отасига берилади. Чунки у эркакларга хос нарсаларни отасидан ўрганиши зарур.

Қиз болалар эса, ҳайз кўрадиган бўлгунча оналари билан қоладилар. Чунки улар аёлларга хос нарсаларни оналаридан ўрганишлари лозим.

Қизлар балоғатга етганларидан кейин, уларни асрашга ва турмушга чиқаришга оталар қодир бўлганликлари учун, вақти етганда оталари қарамоғига ўтадилар.

Талоқ қилинган аёл ўзи никоҳдан ўтган ватанидан бошқа ерга боласи билан сафар қилмайди. Бу фақат онага хосдир.

Онадан бошқа болани қарамоғига олган шахслар ҳеч қаерга сафар қилмайдилар. Чунки бу нарса болага зарар келтиради.

«Бахтиёр оила» китобидан